

ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Сайдкулов Нуриддин Акрамкулович,

Гулистан давлат педагогика институти доценти

mannur_25@mail.ru

Аннотация: ушбу мақолада жамият барқарорлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, дунё медимаконига оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш мумкин бўлган ҳозирги замонда, ахборотнинг холислиги, тўғрилиги мамлакаларнинг халқаро майдондаги имижига таъсир қилиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: “ақл марказлари”, жамият барқарорлиги, оммавий ахборот воситалари, медимакон, “оммавий маданият”.

Ўзбекистон юксалиш йўлининг янги даврига қадам қўйиши билан мамлакатимиз миллий ривожланишининг навбатдаги босқичини бошлаб бермоқда. “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз”. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар энг аввало, янги Ўзбекистон ёшлирининг соғлом дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсад йўлида ҳар бир ёш ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш-жамият ва давлат учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Бу эса ёш авлод тарбиясига ҳар доимгиданда кўпроқ масъулиятли ва бефарқ бўлмасликни талаб этиши билан мазкур масаланинг долзарблигини ифодалайди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатнинг ютуқлари борасида халқаро оммавий ахборот воситаларида ва халқаро медимаконида мунтазам мақолалар чоп этиб бориши, мамлакат эришган ютуқларни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш учун брифинглар, давра сухбатлари, конференсия ва семинарлар мунтазам ўtkазиб бориши, АҚШнинг етакчи таҳлилий институтлари, “ақл марказлари” билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари сурадиган хорижий оммавий ахборот воситалари билан Ўзбекистон ҳақидаги батафсил муаллифлик материалларини даврий асосда нашр этиш каби вазифаларни амалга ошириш белгилаб қшийилган.

Дунё медимаконига оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш мумкин бўлган ҳозирги замонда, ахборотнинг холислиги, тўғрилиги мамлакаларнинг

халқаро майдондаги имижига таъсир қилади. Шу жиҳатдан ахборот сиёсатида хатога йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бу ёшлар онги ва дунёқараши масаласи ҳақида гап кетганда ахборот маконидаги турли хил зарарли маълумотлардан сақлаш механизмини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Виртуал макондан ёғилаётган ахборот оқими ҳам шунчалик кўпки, унинг қайси бири фойдали, тўғри ва қайси бири гаразли эканлигини ажратиб олишга ҳар бир йигит-қиз ҳам қодир эмас. Шу сабабдан, халқ таълими ва профессионал таълим тизимининг тегишли дарсликларига ахборот маданияти ҳамда медиа саводхонлик мазмунига доир мавзуларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Оммавий ахборот воситаларида, хусусан интернетда жамиятнинг маънавий тараққиёти, шахснинг, айниқса ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёш бўғинларнинг дунёқарашига, гоявий тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатувчи манбалар афсуски, оз эмас.

Онлайн тизими материалларининг маълум бир қисми асосан нохолис, шубҳали кўринишда бўлиб, ахлоқий бузуклик, тажовузкорлик ва зўравонликка ундейди. Компьютер тизимларидағи маълумотларга таъсир ўтказа оладиган аниқ хуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги эса Интернет саҳифаларида очиқдан-очиқ миллатчилик, ирқчилик ва фаизм ғоялари тарғиб этилиб, беҳаёлик ва зўравонлик кўринишлари акс этган суратлар, гиёхванд ва портловчи моддаларни тайёрлаш бўйича кўрсатмаларнинг bemalol жойлаштирилишига имкон яратмоқда.

Интернет саҳифаларида очиқдан-очиқ миллатчилик, ирқчилик ва беҳаёлик ва зўравонлик кўринишларини ўзида акс эттираётган бундай уринишлар барчамиздан мунтазам сезгир ва огоҳ бўлишни тақоза этмоқда. Мана шундай салбий ҳолатларни ҳар тамонлама чуқур таҳлил қилиб бориши, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини ҳар тамонлома кучайтириш, турли хил ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиши ва интилишларини холисона ёритиш, жаҳолатга қарши маърифат ғояси асосида фуқароларимизни бирлаштириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Зеро, мана шундай салбий ҳолатлар инсонни шубҳа ва гумонлар гирдобига тушиб қолганида масъуллик ва жавобгарликдан воз кечишга ундейди. Натижада у нотўғри қарорлар қабул қилади; қарорлар қабул қилиш масаласида техник воситаларни ҳаддан зиёд идеаллаштириб юборади. Шу ўринда Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёвнинг фикрига эътибор қаратиш зарур: “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиidi фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтиаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айrim газета-журналлар,

китобларни, суръатга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий”. Аниқ билимлар қимматининг пасайиши унинг тезда эскиришидан фарқли ўлароқ, инсонни “инсон мулки”нинг муңтазам равища янгилаб ва тўлдириб бориши, ахборотлашган маданиятнинг шакллантириш заруратига олиб келади. Бироқ вазиятни изга солиш учун инсон етарли даражада асосга эга бўлмоғи зарур, бу ҳолат инсоннинг жамиятда тутган ўз ўрни ва фаолияти мазмунини англаб етишига имкон берувчи барқарор идентификациясиз бўлиши мумкин эмас.

Ана шундай шароитда ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва маслагини аниқ белгилаб олишга кўмак берадиган омил – ижобий ва ижодий маънавиятга эҳтиёж янада ортиши шубҳасизdir.

Бу жараёнларга таъсир этаётган салбий омилларни илмий-назарий таҳлил этиш асосида жамият ва шахс ҳаётида кўзга ташланаётган ижтимоий инерция, шахснинг бегоналашуви, деиндивидуализация, маргиналлик каби ҳолатларнинг “шахс” – “жамият” ва “маънавият” контекстида илмий-назарий таҳлил этиш тадқиқ этилаётган мавзунинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга хизмат қиласи.

“Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот- коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган ҳалқаро хуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этди”. Дунё миқёсида икки миллиарддан ортиқ ёшларнинг тафаккурини ҳар томонлама ривожлантириш борасида аксарият давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларда ёшлар масаласи борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. “БМТ дунё мамлакатларида сиёсий макон очилишини кузатиш учун “Сиёсатда ёшлар индекси”ни ишлаб чиқади. Ушбу жараён ёш авлод вакилларининг талабидир”.

Ёшлар сиёсий маданияти етарлича шаклланмаган жойда сиёсий бўшлиқ хосил бўлади. Бу эса охир - оқибат жамиятда “Оммавий маданият”, “Оломон маданияти” деган ёт мафкура ва қарашларнинг шаклланишига олиб келади. Шунинг учун биз ёшлар онгода “Оммавий маданият” га бўлган хоҳишларни, мойилликларни вужудга келмаслиги учун доимо ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида мутолаа маданиятини ҳамда шу ватанга даҳлдорлик ҳиссини ортиришга харакат қилишимиз зарур. Шундагина мамлакат эртаси бўлган ёшларни “бой берилган ёшлар” қатламидан саклаб қолишимиз мумкин. Бу борада яъни “бой берилган ёшлар” қатлами вужудга келиб бўлган айrim давлатлар энди нима қиларини билмай турган пайтда, биз ёшларимизни

“Оммавий маданият”, “Оломон маданияти”нинг таъсиридан сақлашимиз ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир.

Мана шундай иллатлардан, ҳар хил таҳдидлар, бегона ғоялар таъсиридан ёшларимизни асраб-авайлаш мақсадида Олий Мажлис юқори палатаси яъни Сенати 2022 йил 4 февралда бўлиб ўтган 23-ялпи мажлисда интернетда ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни йўлга қўйиш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши ва уларни заарли, фойдасиз ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборишига қарор килди.

Шу сабабдан, ўқувчи, талаба-ёшлар ва айниқса уюшмаган ёшларнинг онгига жуда катта путур етказиши мумкин бўлган беҳаёликни тарқатувчи, диний муросасизликни келтириб чиқарувчи, турли кўнгилочар онлайн ўйинлар, тотализаторлар, оиласиий меъёрларни рад этадиган ҳамда жамиятда, фуқаролар ўртасида заарли ва ахлоқсиз ғояларини ёядиган контент ва сайтларга қарши тура олиш ҳар бир фуқаронинг энг муҳим вазифасидир.

Ушбу аҳамият қаратилиши лозим бўлган масала юзасидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси биноан, 2022 йил охиригача мамлакатимизда миллий ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар яратилади ҳамда улар тўплаган аудиторияга қараб солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари жорий йилнинг ноябрь ойига қадар ахборот соҳасини тартибга солиш мақсадида “Ахборот кодекси” лойихаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XXI аср ахборот асрининг ёшлар сиёсий маданияти шаклланишида ижобий таъсири таъсири кучига эга бўлсада, айрим ОАВ, интернет тармоқлари орқали узатилаётган маънавиятимизга зид бўлган маълумотлар ёшлар маънавий онгига салбий таъсирилари мавжудлигини қайд этиш лозим;

- оммавий ахборот воситаларининг ёшлар сиёсий маданиятига салбий таҳдидлари сифатида ғараз мақсадларда амалга оширилаётган ташқи ғоявий таъсирини тадқиқ ва таҳлил этиш долзарб ҳисобланади;

- бугунги қунда глобаллашув жараёни шахс сиёсий маданияти шаклланишида ОАВларнинг таъсири доираси тобора ошиб бораётганлигини намоён этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. www.president.uz

2. Шамсиева И. Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот психологик хавфсизлик муаммоси // Ижтимоий фикр – инсон ҳукуқлари. 2007. №1. – Б.172-173.

3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси . Халқ сўзи. 2017 йил 5 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.
5. <https://news.un.org/en/story/2022/01/1110142>. 2022 йил 20 январь.
6. Nuriddin Akramkulovich Saidkulov (2020). THE IMPACT OF THE REFORMS ON THE POLITICAL CULTURE OF YOUTH. Academic research in educational sciences, (1), 152-156. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00022
7. Akramovich, Saidkulov N. "The Effect of Dynamic Changes in Society on the Political Culture of Youth." European Journal of Humanities and Educational Advancements, vol. 1, no. 2, 2020, pp. 7-9.
8. Akramkulovich, S. N. (2020). Important Tasks for the Development of Youth Political Culture: Problems and Solutions. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7(5), 494-497.
9. Akramkulovich, S. N. (2020). International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding.
10. Saidkulov, N. A. (2020). ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 1(1).
11. Akramkulovich, S. N. (2020). METODOLOGICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF YOUTH POLITICAL CULTURE ON THE BASIS OF INNOVATIVE-CREATIVE APPROACH. Восточно-европейский научный журнал, (5-5 (57)), 39-42.
12. Saidkulov, N. A. (2020). The Impact of the Reforms on the Political Culture of Youth. Academic research in educational sciences, (1), 152-15
13. Akramovich, S. N. (2020). The Effect of Dynamic Changes in Society on the Political Culture of Youth. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(2), 7-9.
14. Akramkulovich, S. N. (2020). Important Tasks for the Development of Youth Political Culture: Problems and Solutions. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7(5), 494-497.

15. Saidkulov, N. A. (2020). ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 1(1).
16. Akramkulovich, S. N. (2023). HISTORICAL ROOTS OF THE FORMATION OF EASTERN POLITICAL THOUGHT. World Bulletin of Social Sciences, 19, 173-176.
17. Saidkulov, N. ISSUES OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF YOUTH POLITICAL CULTURE IN THE NEW RECONCILIATION PERIOD OF UZBEKISTAN.
18. Akramkulovich, S. N. (2023). JAMIYAT SIYOSIY TAFAKKURI SHAKLLANISHINING TARIXIY ILDIZLARI. SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI, 2(3), 1-6.

